ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМДАМОВ ОМОНУЛЛО НЕЪМАТУЛЛАЕВИЧ

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 658.15(575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences

Ҳамдамов Омонулло Неъматуллаевич
Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш 3

Хамдамов Омонулло Неъматуллаевич
Совершенствование системы финансового менеджмента в предприятиях 27

Hamdamov Omonullo Nematullaevich
Improvement of financial management system in enterprises 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 55

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАМДАМОВ ОМОНУЛЛО НЕЪМАТУЛЛАЕВИЧ

КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2017.2.PhD/Iqt216 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:	**Ташмурадова Бувсара Эгамовна** иқтисодиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Каримов Норбой Ғаниевич** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Кудайбергенов Жанполат Шамуратович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «____»_____ куни тарқатилди.
(2018 йил «____»_____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро молия тизимининг такомиллашуви алоҳида мамлакатлар молия тизими ва унинг асосий бўғинларини мос равишда ривожлантириб боришни тақозо этмоқда. Мамлакатлар ўртасида халқаро капиталнинг ҳаракатланиши, йирик инвестицион лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, компания ва корпорацияларнинг ўзаро молиявий муносабатларини самарали ташкил этиш, молия бозорини ривожлантириш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда замонавий молиявий бошқарув механизмини жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатларда замонавий молиявий менежмент услубиятини тадқиқ этиш ва компаниялар амалиётига жорий этиш мақсадида халқаро институтлар билан ҳамкорлик муносабатлари кенг йўлга қўйилмоқда. Жумладан, АҚШда Financial Management Association International (FMA), Европада The International Association of Financial Executives Institutes (IAFEI), Кореяда Korea Association For Chief Financial Officers (KCFO), Россия Федерациясида All-Russian Public Organization Russian Club of Financial Directors (RCFD) кабиларни кўрсатиш мумкин[1].

Хорижий компаниялар амалиётида молиявий ва инвестицион қарорлар қабул қилиш, молиявий барқарорлик мониторингини юритиш, инқирозга қарши молиявий бошқарувни ташкил этиш ва молиявий рискларни бошқаришда молиявий менежментнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, молиявий менежмент механизмини такомиллаштиришнинг зарурияти бугунги кунда ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мос равишда компаниялар молиясини бошқариш сиёсатини мувофиқлаштириш, молиявий менежментнинг халқаро замонавий услубиятини жорий этиш, компания фаолиятидаги долзарб масала ҳисобланган молиявий таъминотининг қўшимча манбаларини шакллантиришда молия бозори билан муносабатларни ривожлантириш кабиларда намоён бўлади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарда замонавий молиявий бошқарув услубиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш, уларнинг инфратузилма ва бошқа жиҳатларини қамраб олувчи мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Бироқ барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга хизмат қилувчи акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ташкил этиш жараёнларини ижобий баҳолаш қийин. Молиявий менежент тизимини такомиллаштириш орқали корхоналар молиявий ресурсларини бошқариш бўйича оптимал қарорлар қабул қилиш, молиявий таъминотини мустаҳкамлашда замонавий инструментлардан кенг фойдаланиш, инвестицион қарорлар қабул қилиш, молиявий рискларни халқаро талаблар даражасида тўғри баҳолаш, инқирозга қарши молиявий

[1] http://www.fma.org/-Financial Management Association International (FMA); http://www.iafei.org/ The International Association of Financial Executives Institutes; www.cfokorea.org - Korea Association For Chief Financial Officers; http://www.клуб-финансовых-директоров.рф/en/o-klube/istoriya-sozdaniya/-All-Russian Public Organization Russian Club of Financial Directors.

бошқарув стратегияларини жорий этиш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлаш мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш»[2] масаласи алоҳида қайд этиб ўтилган. Шунга кўра, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиявий менежмент механизми, функциялари ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли, 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2454-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги «Фонд биржасида акцияларни оммавий таклифини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги 268-сонли Қарори ҳамда акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий менежментнинг концептуал асослари, иқтисодий мазмуни ва асосий принциплари бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан, Дж.К.Ван Хорн, Дж.М.Вахович, С.Росс, Л.Фунг, С.Парамасиван, Ю.Бригхем, Л.Гапенски, С.Б.Пряничников, И.А.Бланк, И.Я.Лукасевич, И.В.Сергеев, Г.Б.Поляк, С.В.Галицкая, С.Е.Кован, В.В.Ковалев, В.В.Быковский, Н.В.Мартынова, Т.В.Теплова ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган[3].

---

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.//Халқ сўзи. 2017 йил, 8 феврал.

[3] Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. Основы финансового менеджмента. 11-е издание. Москва-Санкт-Петербург-Киев.Издательский дом «Вильямс». 2004 - 988 стр.; Fundamentals of financial management/James C.Van Horne, John M.Wachowicz. – 13th ed. Prentice Hall, 2009 y. p. 27.; Ross, Stephen A, Fundamentals of corporate finance. 6th edition. North Ryde, NSW McGraw-Hill Education (Australia), 2014.- p 756.; L. Fung. Financial management. University of London 2015 y, p. 9; C.Paramasivan, T.Subramanian. Financial management. New age international Publishers – 2009 y., p. 19; Бригхем Ю., Гапенски Л. Финансовый менеджмент. В двух томах. Санкт-Петербург «Экономическая школа» 2001 – 497 стр; Пряничников С.Б. Финансовый

Молиявий менежментнинг иқтисодий моҳияти ва молиявий механизмининг айрим элементлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжонов, Б.Э.Тошмуродова, М.Б.Хамидулин, С.Э.Элмирзаев, Ғ.Н.Хусанов, М.Л.Турсунходжаев, Р.Х.Карлибаева, Р.Р.Абдураупов, К.У.Шарифходжаеваларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган[4].

О.К.Иминов, Т.С.Маликов, О.О.Олимжоновларнинг илмий асарларида молиявий менежментнинг моҳияти ва унда кўриладиган масалаларнинг айрим жиҳатлари ёритилган. М.Б.Хамидулин ўзининг илмий тадқиқотларида корпоратив бошқарув ва корпоратив менежмент молиявий механизмларини тадқиқ қилган. Б.Э.Тошмуродова, С.Э.Элмирзаев, Р.Х.Карлибаеваларнинг илмий ишларида молиявий менежментнинг иқтисодий моҳияти, функциялари, молиявий менежментда корпоратив баҳолаш амалиёти ва корхоналарда солиқ менежментини ташкил этиш каби масалалар ёритилган. Бироқ молиявий менежмент хорижий тажрибаларни эътиборга олган ҳолда алоҳида илмий йўналиш сифатида комплекс тадқиқ этилмаган. Бу ҳолат ҳам танланган мавзунинг долзарблигини англатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик йўналиши ҳамда «Молиявий менежмент» кафедрасининг «Корпоратив молиявий бошқарувнинг долзарб масалалари» стратегик илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

менеджмент. Учебное пособие. Нижний Новгород, НОВО 2005 – 166 стр.; Бланк И.А. Финансовый менеджмент. Учебный курс. Киев, Эльга Ника-Центр. 2004 – 655 стр.; Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент:учебник/3-е изд.,испр.–М.:Эксмо, 2011.–768 с.; Сергеев И.В. Экономика организации (предприятия): учеб.пособие. – 3-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2008 – 576 стр.; Под ред. Поляка Г.Б. Финансовый менеджмент. – 2-е изд. – М.: ЮНИТИ-ДАНА – 2008 – 527 стр.; Галицкая С.В. Финансовый менеджмент. Финансовый анализ. Финансы предприятий: учебное пособие – М.: Эксмо, 2009-652 стр.; Ковалев В.В. Финансовый менеджмент: теория и практика.-3-е изд., перераб. и доп.-М.: «Проспект», 2016.-1104 с.; Ковалев В.В., Ковалев Вит.В. Финансы организаций (предприятий): учеб. – М.: ТК Велби, Изд-во «Проспект», 2006-352 стр.; Кован С.Е. Теория антикризисного управления предприятием: учебное пособие – М.: КНОРУС, 2009-160 стр.; В.В. Быковский, Н.В. Мартынова. Технологии финансового менеджмента: учеб. пособие Издательство «Тамбовского государственного технического университета», 2008. – Ч. 1. – 80 с; Теплова Т.В. Корпоративные финансы: учебник и практикум для академического бакалавриата. – М.: Издательство «Юрайт», 2016 – 655 с.

[4] Молиявий бошқарув/Муаллифлар жамоаси Р.Р.Ҳасанов, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Т.С.Маликов ва бошқ: - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009 – 433 бет.; Олимжонов О.О., Маликов Т.С. Молиявий менежмент. Т.: «Академия» нашриёти 1999 – 193 б.; Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: автореферат дисс...д.э.н. – Ташкент, 2008.– с.12.; Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э., Турсунова Н.Р. Молиявий менежмент: Дарслик – Т.: «Иқтисод-молия», 2017. - 336 б.; Хусанов Ғ.Н., Турсунходжаев М.Л., Бакиев А.Р. Молиявий менежмент. Ўқув қўлланма. «Ворис нашриёти», 2006 – 173 б. Карлибаева Р.Х. Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2018. – 14 б.; Абдураупов Р.Р. Ўзбекистонда хорижий инвестицияли корхоналар иқтисодий салоҳиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш: дисс. автореферати. и.ф.д. – Тошкент, 2016. – 23 б.; Шарифходжаева К.У. Рискларни кичик бизнес корхоналари фойдасига таъсирини баҳолаш ва камайтириш: дисс. автореферати. и.ф.н. – Тошкент, 2010. – 9 б.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

молиявий менежментнинг иқтисодий моҳияти ва назарий-концептуал асосларини очиб бериш;

корхоналарда самарали молиявий бошқарув механизмини ташкил этиш ва унинг асосий жиҳатларини тадқиқ этиш;

молиявий менежмент тизимининг муҳим бўғини сифатида корхоналар молиявий таъминотини бошқариш жараёнларини таҳлил қилиш;

молиявий активлар қиймати ва даромадлигини аниқлаш усулларини тадқиқ этиш ва уларга баҳо бериш;

инвестицион қарорлар қабул қилишда лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг халқаро услубиятини тадқиқ этиш асосида Республикамиз акциядорлик жамиятларида уларни қўллаш имкониятлари ва чегараларига баҳо бериш;

молиявий рискларни бошқариш ва баҳолаш амалиётини таҳлил қилиш асосида уларни амалиётда қўллаш йўналишларини белгилаш;

корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини янада ошириш борасида хорижий тажрибаларни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

корхонада инқирозга қарши молиявий бошқарувни ташкил этиш ва такомиллаштириш заруриятини илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети корхоналарда молиявий менежмент тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил, мультипликатив дискриминант таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини халқаро стандартлар, хусусан CIPFA (The chartered institute of public finance and accountancy)нинг MFM (The models of Financial management)моделлари асосида такомиллаштириш асосланган;

устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда асосий фаолиятдан олинган фойда (EBIT), акциядорлар киритган сармоясининг рентабеллиги (TSR)ни, активлар рентабеллиги (ROA)ни ҳисоблаш, хусусий капитал рентабеллиги (ROE)нинг норматив-чегаравий миқдорларини белгилаш усуллари такомиллаштирилган;

халқаро MDA (Multiple discriminant analysis) моделларига асосланган ҳолда акциядорлик жамиятларида банкротлик эҳтимоллигини аниқлаш ва прогнозлаш амалиёти такомиллаштирилган;

янгидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари устав капитали миқдорини камайтириш ва уларнинг сонини ошириш орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий механизми асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари молиявий таъминот манбаини мустаҳкамлашда замонавий хорижий тажрибаларни (усулларни) жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар берилган;

инвестицион қарорлар қабул қилишда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини қиёсий баҳолаш асосида уларнинг ютуқ ва камчиликлари амалий жиҳатдан асослаб берилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий риск даражасини аниқлашда эътибор қаратиладиган жиҳатлар ва баҳолаш мезонлари асосланган;

акциядорлик жамиятларида молиявий барқарорлик мониторингини ташкил этиш ва банкротлик эҳтимоллигини аниқлашда халқаро баҳолаш моделларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги молиявий менежментнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси статистик маълумотларига, шунингдек, акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарнинг молиявий ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан корхоналарда молиявий менежмент тизимини ташкил этиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан акциядорлик жамиятларида молиявий ва инвестицион қарорлар қабул қилиш, ҳусусан молиялаштириш таъминотини оптималлаштириш, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашда, шунингдек, акциядорлик жамиятларида молиявий барқарорлик мониторинги ва инқирозга қарши молиявий бошқарув механизмини жорий этиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини халқаро моделларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида молиявий менежерлар ассоциацияси ва молиявий менежмент бўлимларини ташкил этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази томонидан акциядорлик жамиятлари бошқарувининг намунавий ташкилий тузилмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат активларини бошқариш марказининг 2018 йил 24 апрелдаги 03/06-914-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши, акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент бўлимларини ташкил этиш асосида молиявий менежмент механизмини ривожлантириш имконияти яратилган;

устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш тартиби ва меъёрларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли Қарорига илова «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги Низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг 2018 йил 24 апрелдаги 03/06-914-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида устав капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилди ва меъёрлардаги мавжуд камчиликлар бартараф этилди;

акциядорлик жамиятларида банкротлик эҳтимоллигини аниқлаш ва прогнозлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли Фармони 2-иловасида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Давлат активларини бошқариш марказининг 2018 йил 24 апрелдаги 03/06-914-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга татбиқ этилиши натижасида акциядорлик жамиятлари фаолиятида банкротлик эҳтимоллигини аниқлаш ва олдиндан прогноз қилиш имконияти яратилди;

акциядорлик жамиятлари устав капитали миқдорини 1,6 млрд. сўмдан 400 млн. сўмгача камайтириш бўйича таклифи Ўзбекистонда молия бозорини ўрта ва узоқ муддатда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 6 мартдаги КА/07-01-35-18/49-267 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молия институтлари ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида фонд бозорини ривожлантиришда иқтисодиётнинг турли

тармоқларида акциядорлик жамиятлари сонини кўпайтириш орқали молия бозорини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан, 11 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда апробацияларда ўтказилган. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар, тавсиялардан «Молиявий менежмент» ва «Корпоратив молия» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда, илмий-амалий конференцияларда 14 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 140 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Корхоналарда молиявий менежмент тизимини ташкил этишнинг назарий ва иқтисодий асослари**» деб номланган биринчи бобида молиявий менежмент концептуал асосларининг иқтисодий моҳияти, мақсади ва функциялари, корхоналарда молиявий менежментни ташкил этиш механизми ва унинг асосий хусусиятлари тадқиқ қилинган. Тадқиқот вазифаларидан келиб чиққан ҳолда назарий натижа ва хулосалар шакллантирилган.

Халқаро ва миллий адабиётларда молиявий менежментнинг иқтисодий моҳиятини очиб беришда иқтисодчи олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилмоқда. Молиявий менежментнинг иқтисодий мазмуни ва амалий жиҳатларини ёритишга бағишланган кўплаб илмий адабиётлар муаллифлари: америкалик иқтисодчи олимлар Жеймс Ван Хорн ва Жон Вахович молиявий менежментни - молиявий активларни шакллантириш, молиялаштириш ва бошқариш жараёнидир, деб таърифлайдилар. Молиявий менежментда қарорлар қабул қилишда қуйидаги учта муҳим масалага эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар: инвестицион фаолият, молиявий таъминотни

оптималлаштириш ва молиявий активларни бошқариш[5]. Буюк Британиялик иқтисодчи олим Л.Фунгнинг фикрича, «Молиявий менежмент деганда, компания қуйи тизимларини назорат қилиш ва молиявий режалаштириш борасида қарорлар қабул қилиш жараёни тушунилади, у ўз ичига ғазначилик; янги инвестицион имкониятларни баҳолаш, танлаш, назорат қилиш ва бошқариш; узоқ муддатли молиявий активларнинг ўсиш динамикасини таъминлаш ва бошқариш; молиявий рискларни бошқариш; компаниянинг қисқа ва узоқ муддатли молиявий фаолиятини бошқариш кабиларни олади»[6]. Россиялик олим И.Я.Лукасевич: «Молиявий менежмент – бу хўжалик субъектининг жорий ва стратегик мақсадларига эришишда уларнинг молиявий ресурслари ва молиявий фаолиятини бошқаришдир»[7], дея таърифлайди. Бугунги кунда мамлакатимиз акциядорлик жамиятларида замонавий молиявий бошқарув услубиятини такомиллаштириш борасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда фикримизча, молиявий менежмент деганда, корхонанинг жорий ва стратегик мақсадларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш, молиявий рискларни баҳолаш ва молиявий таъминоти манбаларини самарали бошқаришга доир оптимал қарорлар қабул қилиш тушунилади.

Халқаро молиявий муносабатлар такомиллашуви ва мамлакатлар ўртасида интеграциялашув жараёнининг жадаллашуви мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда замонавий молиявий бошқарув тизимини яратишни объектив заруратга айлантирди. Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини ташкил этиш механизми ва унинг асосий функционал вазифалари белгиланди (1-расм).

1-расмда кўринадики, молиявий менежментнинг акциядорлик жамиятларида бажарадиган алоҳида функционал вазифалари мавжуд бўлиб, акциядорлик жамиятларида мазкур функционал вазифаларни тўғри тақсимланиши муҳим аҳамият касб этади. Хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг молиявий менежмент соҳасига доир амалга оширилган тадқиқотларини ўрганган ҳолда, молиявий менежмент тизимининг таркибий элементлари сифатида корхона молиявий таъминот манбалари бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш, капитал тузилмасини оптималлаштириш, инвестицион фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш, молиявий рискларни бошқариш ва баҳолаш, инқирозга қарши молиявий бошқарувни амалга ошириш кабиларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу, ўз навбатида, корпоратив бошқарув самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Молиявий менежмент мустақил илмий соҳа сифатида назарий билимлар, концепциялар, моделлар асосида ишлаб чиқилган амалий методлар,

---

[5] Fundamentals of financial management/ James C.Van Horne, John M.Wachowicz. – 13th ed. Prentice Hall, 2009 y. p. 27

[6] L. Fung. Financial management. University of London 2015 y, p. 9

[7] Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: учебник/3-е изд., испр. – М.: Эксмо, 2011. – 12 с.

бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида қўлланиладиган усуллар, дастаклар ва услублар тизимини ўзида намоён этади.

1-расм. Корпоратив бошқарув соҳасида молиявий менежмент тизими ва механизми[8]

Молиявий менежмент назарияси ва амалиёти иқтисодиётда рўй бераётган турли ўзгаришларга мос равишда мунтазам ривожланиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, корхоналар молиявий бошқарув механизмини иқтисодий муҳитдаги ўзгаришларга мос равишда мослашувига замин яратади. Умуман олганда, молиявий менежментнинг аксарият назариялари, ўрганилиши зарур бўлган аниқ бир концепцияларга таянади.

Молиявий менежментнинг муҳим фундаментал концепциялари қуйидагилардан иборат: пул оқимлари концепцияси; пулнинг вақтлар бўйича қиймати концепцияси; риск ва даромадлилик концепцияси; бозорларнинг самарадорлиги ҳақидаги гипотеза; портфель назарияси ва активлар баҳосининг шаклланиш назарияси; капиталнинг баҳоси коцепцияси; ахборотлар ассиметрияси концепцияси ва агентлик муносабатлари назарияси. Мазкур модел ва концепциялар корхоналарда молиявий бошқарув тизимини самарали ташкил этиш ва юритишда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мазкур модел ва концепцияларга акциядорлик жамиятларида етарлича эътибор қаратилмаётганлиги молиявий менежмент тизимидаги мавжуд муаммоларга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда мазкур муаммоларни бартараф

[8] Муаллиф томонидан тузилган.

этиш, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобига иқтисодий тараққиётни таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Корхоналарда молиявий менежмент тизими ривожланишининг амалдаги ҳолати таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида, молиявий менежмент тизимида молиявий қарорлар қабул қилиш асослари, хусусан, корхоналар молиявий таъминотини мустаҳкамлашда қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ мавжуд муаммолар, молиявий активларнинг баҳоси ҳамда даромадлилигини аниқлаш усуллари ва таҳлили, инвестицион қарорлар қабул қилишда корпоратив баҳолаш амалиётини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари, риск ва даромадлилик концепцияси ва молиявий рискларни баҳолаш услублари илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Халқаро молиявий менежмент амалиётида таъкидланганидек, молиявий менежмент - молиялаштириш манбаларини танлаш ва инвестицион қарорлар қабул қилиш санъати ва илмидир. Шунга мувофиқ корхоналарда молиявий менежмент тизимини ташкил этишнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилишда молиялаштириш, инвестицион ва молиявий рискларни баҳолаш каби муҳим амалий муаммоларни тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Молиявий менежмент тизимида корхоналар молиявий таъминотини мустаҳкамлашга доир бажарадиган функциясига замонавий молиявий инструментлар асосида молиявий таъминотини бошқариш киради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда фаолият юритаётган аксарият акциядорлик жамиятларининг асосий молиявий таъминот манбаи сифатида тижорат банкларининг кредитлари кўзга ташланмоқда. Иқтисодиёт реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмини янада ошириш, шу жумладан, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида банклар томонидан ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 2013 йилда 7118,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, мазкур кўрсаткич 2017 йилга келиб 2 баробарга ошгани ҳолда 14440,2 млрд. сўмга етганлигини таъкидлаш лозим[9].

Таҳлил натижаларидан аниқландики, охирги беш йил мобайнида корхоналарга ажратилаётган инвестицион кредитлар юқори ўсиш тенденциясига эга. Бироқ мазкур амалиётнинг йилдан-йилга ўсиб бориши, акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштириш манбаи сифатида айнан кредит маблағларига таяниб қолиш билан бирга, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишда хорижий илғор тажрибалардан фойдаланиш амалиёти пастлигича сақланиб қолмоқда. Жумладан, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигацияни эмиссия қилиш асосида фаолиятни молиялаштириш масаласи жиддий равишда оқсамоқда. Республика бўйича 2012-2017 йиллар мобайнида жами 183000,0 млн. сўмлик корпоратив облигациялар эмиссия қилинган бўлса, шундан

[9] http://cbu.uz/uzc/press-tsentr/obzori/2018/02/100343/-Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб сайти маълумотлари.

эмиссия қилинган жами облигацияларнинг 27,3 фоизи иқтисодиёт реал сектори ҳиссасига тўғри келса, қолган 72,7 фоизи молия секторига, аниқроғи тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2015-2016 йиллар мобайнида иқтисодиётнинг на реал сектори, на молия секторида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигациялар эмиссия қилинмаган. Фақатгина 2017 йилнинг май ойига келиб, «Ўзавтосаноат» АК томонидан 50 млрд. сўмлик жами 50 минг дона корпоратив облигациялар эмиссияси рўйхатга олинган. 2010-2016 йиллар мобайнида эса, мамлакатимизда иқтисодиёт реал сектори корхоналари томонидан облигациялар ёки корпоратив облигациялар билан боғлиқ операциялар умуман амалга оширилмаган[10]. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт реал сектори корхоналари томонидан молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш масаласига бўлган замонавий ёндашувларнинг салбий эканлигидан далолат беради. Компаниялар фаолиятини молиялаштиришда корпоратив облигациялардан фойдаланиш амалиёти ва уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини Осиё давлатлари мисолида кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Осиё минтақаси мамлакатларида компаниялар фаолиятини молиялаштириш жараёнида корпоратив облигациялар амалиётидан кенг фойдаланиб келинмоқда. 2017 йилнинг якунлари бўйича мамлакатимизда иқтисодиёт реал секторида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари томонидан жами 50 млрд. сўмлик корпоратив облигация (0,6 млрд. АҚШ доллар) эмиссия қилинганлигини кўриш мумкин. Агар ушбу кўрсаткични 3 йиллик муддатга ўртача тақсимлайдиган бўлсак, 0,2 млрд. АҚШ долларидан тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткич эса Осиё минтақаси айрим мамлакатларининг ҳатто чораклик эмиссия хажмидан ҳам кам миқдорни ташкил этмоқда. Бу эса, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигациялар воситасида молиялаштириш амалиётидан самарали фойдаланилмаётганини яққол кўрсатади. Фикримизча, акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигацияларни эмиссия қилишда қўйилган талабларни хорижий давлатларнинг тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда соддалаштириш лозим, жумладан:

- Японияда корпоратив облигацияларни эмиссия қилишда компания Токио Фонд биржаси листингида рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда корпоратив облигацияларнинг номинал миқдори 100 минг иена ва дастлабки сотиб олувчилар сони камида 1000 нафар бўлиши талаб қилинади[11];

- Хитой Халқ Республикасида эса компания корпоратив облигацияни эмиссия қилишдан аввал Шанхай Фонд биржаси листингида рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда асосий эмиссия қилинадиган облигациялар миқдори компаниянинг соф активлари 40 фоизидан ошмаслиги лозим[12];

---

[10] http://www.deponet.uz/news/izmeneniya-v-obemah-vypuskov-cennyh-bumag-ao-1-»Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» Давлат корхонаси маълумотлари асосидан муаллиф томонидан тайёрланди.

[11] https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/7-524-6611transitionType=(sc.Default)&firstPage=true&bhcp=1.

[12] http://treasury.worldbank.org/cmd/htm/Chapter-1-Requirements-to-Issue-Bonds.html.

- Россия Федерациясида корпоратив облигацияларни эмиссия қилишда ўз капитали миқдоридан ортган қисмига тегишли кафиллик ёки гаров шартномаларини расмийлаштириш ёки суғурталаш амалиётидан кенг фойдаланилади.

1-жадвал

Осиё минтақаси давлатларида муомалага чиқарилган давлат ва корпоратив облигациялар тўғрисида маълумот[13]

№	Давлатлар номи	2015 йил		2016 йил		2017 йил	
		млрд. АҚШ доллари	Жамига нисбатан, % да	млрд. АҚШ доллари	Жамига нисбатан, % да	млрд. АҚШ доллари	Жамига нисбатан, % да
1	Хитой Халқ Республикаси	665	100	532	100	871	100
	-давлат облигациялари	381	57,3	314	59	624	71,6
	- корпоратив облигациялар	284	42,7	218	41	247	28,4
2	Индонезия	8	100	9	100	15	100
	-давлат облигациялари	7	90,3	6	68,6	12	80
	- корпоратив облигациялар	1	9,7	3	31,4	3	20
3	Корея Республикаси	160	100	139	100	166	100
	-давлат облигациялари	72	44,6	56	40,3	76	45,7
	- корпоратив облигациялар	88	55,4	83	59,7	90	54,3
4	Малайзия	22	100	11	100	18	100
	-давлат облигациялари	9	39,6	4	39,2	8	44,4
	- корпоратив облигациялар	13	60,4	7	60,8	10	55,6
5	Филиппин	4	100	4	100	6	100
	-давлат облигациялари	3	75,0	3	75,0	5	83,3
	- корпоратив облигациялар	1	25,0	1	25,0	1	16,7
6	Сингапур	59	100	62	100	88	100
	-давлат облигациялари	56	95,5	61	98,4	85	96,5
	- корпоратив облигациялар	3	4,5	1	1,6	3	3,5
7	Таиланд	60	100	70	100	56	100
	-давлат облигациялари	50	83	56	80,1	48	85,7
	- корпоратив облигациялар	10	17	14	19,9	8	14,3
8	Ветнам	14	100	14	100	13	100
	-давлат облигациялари	13,8	98,5	13,8	98,5	12,99	99,9
	- корпоратив облигациялар	0,2	1,5	0,2	1,5	0,01	0,1
9	Япония	434	100	413	100	419	100
	-давлат облигациялари	410	94,5	389	94,1	388	92,6
	- корпоратив облигациялар	24	5,5	24	5,9	31	7,4
10	Ривожланаётган Шарқий Осиё давлатлари	1082	100	946	100	1346	100
	-давлат облигациялари	671	62,0	608	64,3	969	71,9
	- корпоратив облигациялар	411	38,0	338	35,7	377	28,1

[13] https://asianbondsonline.adb.org/documents/abm_2017.pdf - Asia bond monitor 2017 – интернет веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бундан ташқари, халқаро рейтинг агентликлари томонидан компаниянинг молиявий барқарорлик ҳолати юқори баҳоланса, капитал миқдори билан боғлиқ чекловлар амал қилинмайди.

Молиявий рискларни бошқариш молиявий менежментнинг асосий функционал вазифаларидан бири бўлиб, молиявий рискларни бошқариш механизмини жорий этиш асосида амалга оширилади. Тадқиқот ишимизда молиявий рискларни бошқариш механизми ва унинг асосий элементларини тадқиқ этиш билан бирга, қимматли қоғозлар операциялари билан боғлиқ фоиз риски даражасини баҳолаш асосида қарорлар қабул қилиш амалиётини ҳам таҳлил қилиб чиқдик. Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали «Кварц» АЖ ва «Дори-дармон» АЖ ларининг қимматли қоғозлари риск даражасига доир маълумотларни кўриш мумкин (2-жадвал).

Дастлаб, «Кварц» АЖ ва «Дори-дармон» АЖ ларининг акциялари бўйича кутилаётган фойданинг ўрта қийматини қуйидагича аниқлаб оламиз:

$$R_{\text{Кварц}} = 0{,}3 * 34 + 0{,}4 * 51{,}6 + 0{,}3 * 68 = 51 \text{ фоиз}$$

$$R_{\text{Дори-дармон}} = 0{,}3 * 7{,}2 + 0{,}4 * 12 + 0{,}3 * 16{,}7 = 12 \text{ фоиз}$$

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиб, қимматли қоғозлар даромадлилиги дисперциясини келтириб чиқарамиз.

$$VAR(\text{Кварц}) = \sum_{i=1}^{n} p_i(x_i - E(X))^2 = 0.3(34-51)^2 + 0.4(51-51)^2 + 0.3(68-51)^2 = 173{,}4$$

$$VAR(\text{Дд}) = \sum_{i=1}^{n} p_i(x_i - E(X))^2 = 0.3(7{,}2-12)^2 + 0.4(12-12)^2 + 0.3(16{,}7-12)^2 = 13{,}539$$

Молиявий менежмент назариясида стандарт четланиш миқдори қанча кам бўлса, эҳтимолли тақсимот диапазони шунча тор бўлади ҳамда мазкур операция билан боғлиқ риск даражаси мос равишда паст бўлади. Навбатдаги босқичда «Кварц» АЖ ва «Дори-дармон» АЖ акциялари даромадлилигининг стандарт четланишини ҳисоблаймиз:

$$CV = \frac{\sigma_x}{E(X)} = \frac{\sigma_{\text{Кварц}}}{R_{\text{Кварц}}} = \frac{13.2}{51} = 0.258 \qquad CV = \frac{\sigma_x}{E(X)} = \frac{\sigma_{\text{Дд}}}{R_{\text{Дд}}} = \frac{3.7}{12} = 0.308$$

Аниқланган натижа эса «Кварц» АЖ нинг 2014-2016 йиллар мобайнида «Дори-дармон» АЖ нинг қимматли қоғозларига нисбатан рисклилик даражаси 0,05 коэффициентга паст эканлигини кўрсатмоқда. Молиявий рискларни баҳолашдаги эътиборли жиҳат, корхонанинг инфляцион ва банкротлик риск даражасини таҳлил қилиш ҳисобланади. 2-жадвалда «Кварц» АЖ ва «Дори-дармон» АЖлари дивидендларига инфляцион омиллар таъсири ва банкротлик риск даражаси таҳлил қилинган. Қимматли қоғозлар даромадлигига инфляцион риск таъсирини Фишер тенгламасига мувофиқ қуйидагича аниқлаймиз.

$$r_{(\text{Кц},2014\text{ й})} = \frac{1+0{,}53}{1+0{,}061} - 1 = 44{,}2;\ r_{(\text{Кц},2015\text{ й})} = \frac{1+0{,}34}{1+0{,}056} - 1 = 26{,}8;\ r_{(\text{Кц},2016\text{ й})} = \frac{1+0{,}68}{1+0{,}057} - 1 = 58{,}9$$

$$r_{(\text{Дд},2014\text{ й})} = \frac{1+0{,}072}{1+0{,}061} - 1 = 1{,}03;\ r_{(\text{Дд},2015\text{ й})} = \frac{1+0{,}121}{1+0{,}056} - 1 = 6{,}15;\ r_{(\text{Дд},2016\text{ й})} = \frac{1+0{,}167}{1+0{,}057} - 1 = 10{,}4$$

«Кварц» АЖ ва «Дори-дармон» АЖ лари банкротлик эҳтимоллигининг риск даражасини эса Фулмер моделига асосланиб, 2014-2016 йиллар учун

натижаларни аниқлаб оламиз. Фулмер моделига мувофиқ аниқланган натижа (H-score) қанчалик юқори бўлса, корхонанинг банкротлик эҳтимоллиги кам бўлади.

2-жадвал

Корхоналар фаолиятида молиявий риск даражаси таҳлили[14]

№	Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил
«Кварц» АЖ				
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум (млн.сўмда)	139768,7	161740,6	229451,6
2	Солиқ тўлагунга қадар фойда (млн.сўмда)	30380,3	40736,2	71211,5
3	Соф фойда (млн.сўмда)	25612,1	31121,1	56811,3
4	Активлар рентабеллиги (ROA)	0,25	0,28	0,37
5	Хусусий капитал рентабеллиги (ROE)	0,23	0,28	0,34
6	Дивидендлар бўйича қарздорлик (млн.сўмда)	2,1	4,9	10,5
7	Акциялар даромадлилиги:			
	- сўмда	534,4	597,4	1172,3
	- фоизда	53	34	68
8	Инфляцион риск, фоизда	44,2	26,8	58,9
9	Банкротлик риски	3,1	3,4	3,7
10	Ўрта қиймат	51		
	Дисперсия	173,4		
	Стандарт оғиш	± 13,2		
	Вариация коэффициенти	0.258		
«Дори-дармон» АЖ				
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум (млн.сўмда)	182202,9	238638,0	279214,1
2	Солиқ тўлагунга қадар фойда (млн.сўмда)	29526,9	32284,5	36954,9
3	Соф фойда (млн.сўмда)	24056,8	25073,5	28529,2
4	Активлар рентабеллиги (ROA)	0,12	0,10	0,11
5	Хусусий капитал рентабеллиги (ROE)	0,21	0,19	0,18
6	Дивидендлар бўйича қарздорлик (млн.сўмда)	38,9	84,8	3837,4
7	Акциялар даромадлилиги:			
	- сўмда	3100	520	720
	- фоизда	7,2	12,1	16,7
8	Инфляцион риск, фоизда	1,03	6,15	10,4
9	Банкротлик риски	2,93	2,97	2,64
10	Ўрта қиймат	12		
	Дисперсия	13,5		
	Стандарт оғиш	± 3,7		
	Вариация коэффициенти	0.308		

[14] АЖ ларининг расмий веб сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Молиявий менежмент тизимида инвестицион фаолиятни бошқариш муҳим таркибий элементлардан бири саналади. Молиявий менежерларнинг инвестицион фаолиятни бошқаришдаги муҳим вазифаларидан бири инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳисобланади.

Республикамиздаги корхоналар томонидан инвестицион қарорлар қабул қилишдаги мавжуд муаммолардан бири сифатида инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда халқаро услубиятдан кенг фойдаланилмаётганини таъкидлаш мумкин. Қолаверса, аксарият акциядорлик жамиятларининг инвестицион қарорлар қабул қилишда фақатгина бизнес-режадаги асосий самарадорлик кўрсаткичларига таяниб қолиши инвестицияларнинг реал самарадорлигини аниқлашдаги мавжуд муаммолардан ҳисобланади.

«Roison Electronics» қўшма корхонаси томонидан қабул қилинган инвестиция дастурларидан келиб чиққан ҳолда инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тегишли усуллардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб чиқдик. «Roison Electronics» қўшма корхонаси томонидан 2014 йилда қабул қилинган лойиҳанинг умумий қиймати 26 608 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, шундан 13601 минг АҚШ доллари ўз маблағлари, 7895 минг АҚШ доллари хорижий инвестициялар ва 5112 минг АҚШ доллари қарз маблағлари ҳисобланади. Инвестицияларнинг умумий даври икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқич - 2015-2016 йиллар, иккинчи босқич - 2016-2017 йилларни ўз ичига қамраб олади. ТИФ Миллий банки томонидан лойиҳани молиялаштириш учун миллий валютада 5112 минг АҚШ доллари эквивалентида узоқ муддатли кредит ажратилиши режалаштирилган. Мазкур кредит маблағлари 5 йил муддатга 12 ойлик имтиёзли муддат билан йиллик 14% фоиз ставкада ажратилади[15]. 1-босқичда лойиҳанинг тўлиқ қиймати барча харажатларни ҳисобга олган ҳолда 15328,1 минг АҚШ долларини ташкил этса, 2-босқични қўшиб ҳисоблаганда жами 26608,1 минг АҚШ долларидан иборат бўлади (3-жадвал).

3-жадвалдан кўринадики, лойиҳа бўйича киритилган инвестицион маблағлар биринчи йилнинг бошида тўлиқ қопланиши билан бир қаторда, қўшимча фойдага эришиш босқичига ўтганлигини таъкидлаш мумкин. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2015 йилнинг 4-кунига келиб дастлабки киритилган инвестицон харажатлар тўлиқ қопланиб, NPV (соф жорий қиймат) миқдорининг мусбат бўлишини кўриш мумкин. Умуман олганда, лойиҳанинг дисконтланган қоплаш даври қанча кам бўлса, лойиҳа шунча самарали ҳисобланади. Молиявий менежментда DPP (дисконтланган қоплаш муддати) ни маълум ўрганилаётган давр «n» билан таққосланади. Инвестицион лойиҳанинг яна бир муҳим самарадорлик кўрсаткичи рентабеллик индекси (PI) бўлиб, ушбу кўрсаткич киритилган бир бирлик сармоядан олинган фойда миқдорини аниқлаш имконини беради.

[15] «Roison Electronics» қўшма корхонасининг 2014-2021 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳа маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Лойиҳанинг IRR (ички даромадлилик меъёри) ни аниқлаш мураккаб математик амалларни талаб қилади.

3-жадвал

«Roison Electronics» ҚК инвестицион лойиҳаси иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили ва прогнози[16]

№	Давр (n)	Пул оқимлари (млн. АҚШ доллар)	Дисконт ставка (r) фоизда	Жорий қиймат (млн. АҚШ доллар)	NPV (млн. АҚШ доллар)	IRR, фоизда	MIRR, фоизда	PI, фоизда	DPP, йил
0	2014 й	-15,3	14	-15,3	-15,3				1 йил 4 кун
1	2015 й	17,1	14	15,0	-0,29	12	12	0,99	
2	2016 й	32,1	14	24,7	24,46	111	84	2,6	
3	2017 й	49,2	14	33,2	57,7	149	92	4,7	
4	2018 й	51,2	14	30,3	88,07	160	84	6,7	
5	2019 й	51,26	14	26,6	114,70	163	75	8,5	
6	2020 й	51,29	14	23,3	138,07	165	67	10,08	
7	2021 й	52,66	14	21,04	159,1	165	61	11,46	

Шунинг учун замонавий дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда даромадлиликнинг ички меъёрини аниқлаш мумкин. Лойиҳа бўйича IRR йилдан йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб дастлабки даврда, 12% ни ташкил этган бўлса, олти йилдан сўнг ушбу кўрсаткич 165% га прогноз қилинмоқда. Халқаро амалиётда бугунги кунда IRR кўрсаткичининг ўрнига MIRR (модификацияланган даромадлиликнинг ички меъёри) кўрсаткичидан фойдаланиб келинмоқда. Чунки ушбу кўрсаткич IRR га нисбатан юқори аниқ натижани беради.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги таҳлил маълумотларидан келиб чиққан ҳолда корхона томонидан қабул қилинган барча самарадорлик кўрсаткичлари ижобий, деган хулоса шаклланмоқда. Бироқ, тадқиқот ишимиз олдига қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда корхона томонидан қабул қилинган лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича қуйидаги камчилик ва муаммоларни келтириш мумкин:

биринчидан, 2015-2021 йиллар мобайнида лойиҳа бўйича пул оқимлари маҳсулот сотишдан соф тушум сифатида қабул қилинмоқда. Аслида эса, t-даврдаги лойиҳа бўйича тушумдан t-даврдаги харажатларни чегириб ташланган CF_t (пул оқимлари) сумма киритилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, 2015-2021 йиллар учун лойиҳа бўйича дисконт ставканинг фоиз ставкалари бир хил, яъни 14% сифатида қабул қилинган ҳолда ҳисоблаб борилмоқда. Бироқ, корхона томонидан инвестицион лойиҳани амалга ошириш учун жалб қилинган капиталнинг баҳоси инвестицион давр учун бир

[16] Корхонанинг 2014-2021 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳа дастури маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

хил равишда олиниши аниқ натижа бермайди. Қолаверса, ҳар йиллик олинган даромад дастлабки инвестицион капиталга реинвестиция қилинаётганлиги сабабли жалб қилинган капитал баҳоси, яъни 14% га реинвестиция фоиз ставкаси ва инфляцион фоиз ставкалар қўшиб ҳисобланиши керак;

учинчидан, юқоридаги ҳисоб-китобларда йўл қўйилган камчилик ва хатоликлар натижасида инвестицион лойиҳанинг қолган самарадорлик кўрсаткичлари (IRR, MIRR, PI, DPP) тўғри пропорционал равишда сунъий ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Диссертациянинг **«Корхоналарда молиявий менежмент тизимини такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланган учинчи бобида корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда молиявий менежментнинг аҳамиятини ошириш масалалари, молиявий барқарорлик мониторингини жорий этиш, инқирозга қарши молиявий бошқарувни молиявий менежмент тизимида тутган ўрни ҳамда корхонанинг истиқболдаги молиявий ҳолатини прогноз қилишнинг халқаро моделлари каби масалалар илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган.

